

**ГИЁХВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ШАНХАЙ  
ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО АЙРИМ ДАВЛАТЛАР  
ТАЖРИБАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

*Эргашев Шерали Турсунбоевич*

*ИИВ Академияси мустақил изланувчиси*

***Аннотация:** Мақолада, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларнинг тезкор-қидирув фаолияти йўналиши бўйича қонунчиликдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, гиёҳвандлик ёки психотроп воситалари ҳисобланмайдиган, уларни ўрнини босувчи кучли таъсир қилувчи дори воситалари, жиноий оқибатлари, уларни аниқлаш ва фош этишида амалга ошириладиган ҳаракатларнинг халқаро ҳуқуқий норматив ҳужжатлар ёритилган.*

***Таянч сўзлар:** гиёҳванд моддалар, кучли таъсир қилувчи, дори воситалари, тезкор-қидирув, тезкор-қидирув фаолияти қонуни, ноқонуний айланиши, фош этиши, ҳуқуқий асослар.*

***Аннотация:** В статье рассматриваются международно-правовые нормативные документы по нормативно-правовым актам в направлении оперативно-розыскной деятельности государств-членов Шанхайского организационного сотрудничества, лекарственные средства, которые не считаются наркотическими или психотропными средствами, сильнодействующие препараты, которые их заменяют, уголовные последствия, действия, проводимые при их выявлении и применении. раскрытие информации.*

***Ключевые слова:** наркотики, сильнодействующие, лекарственные средства, потребление, оперативно-розыскной, оперативно-розыскные деятельности, незаконный оборот, раскрытие, правовые основания.*

***Annotation:** The article examines international legal normative documents on normative legal acts in the direction of operational investigative*

*activities of the Commonwealth of Independent States and the People's Republic of China, medicines that are not considered narcotic or psychotropic drugs, potent drugs that replace them, criminal consequences, actions carried out in their detection and application. disclosure of information.*

**Keywords:** *drugs, potent drugs, drugs, consumption, operational investigative, operational investigative activities, illegal trafficking, disclosure, legal grounds.*

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Агар ҳамма бирдек жон куйдириб, оилалар муаммоларидан тўлиқ хабардор бўлиб, уларни ҳал этишга кўмаклашган, жиноятчиликнинг барвақт олдини олганда эди, бугун натижалар умуман бошқача бўларди. Афсуски, жиноятчиликка қарши курашишда ҳалигача эскича ишлаш тизимидан воз кеча олмаяпмиз. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар бу фаолиятга кўрсаткичларни олдинги давр билан таққослаш орқали баҳо бериб келмоқда. Аслида битта бўлса ҳам жиноят бўлгани ҳаммамизни ташвишга солиши керак” [1] деб таъкидлаб ўтганлар.

Хозирги замонда жиноятчиликка қарши кураш, жиноятчиликнинг олдини олиш ҳар бир жамият ва ҳар бир давлатда устувор вазифалардан бири ҳисобланиши маълум. Жиноятчиликка қарши курашда ёндошувлар, услублар турлича бўлсада, умумий мақсадларнинг бирлиги, муштараклиги жиноятчиликка қарши курашни такомиллаштириш, ушбу мақсадда хориж тажрибасини ўрганиш, илғор ютуқларни амалиётга жорий қилишни тақозо қилади. Айниқса, кейинги даврда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга қарши кураш кучайтирилган бир шароитда уларни ўрнига янги кучли таъсир қилувчи дори воситаларининг юзага келганлиги унга нисбатан янги, инсон саломатлигига жиддий хавф туғдираётган ижтимоий хавфли қилмишга қарши самарали курашни, давлатлараро ҳамкорликни кучайтиришни заруратга айлантормоқда.

Таъкидлаш жоизки, кучли таъсир қилувчи дори воситаларини ноқонуний айланишини тезкор-қидирув йўллари билан аниқлаш ва фош этиш бўйича хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш бир томондан, мазкур жиноятларни аниқлаш ва фош этиш жараёнига самарали услубларни жорий қилиш, иккинчи томондан ушбу туркумдаги жиноятларни барвақт олдини олиш, унинг ижтимоий хавфли оқибатларини бартараф қилишга имкон яратади.

**I. Россия Федерацияси.** Россия Федерациясининг жиноятчиликка қарши кураш, уларни олдини олдини олиш, аниқлаш ҳамда фош қилишда қўлланиладиган тезкор-қидирув фаолияти ҳамда тезкор-қидирув тадбирлари бизнинг республикамизда қўлланиладиган шу каби тезкор-қидирув тадбирлари билан ўхшаш бўлиб, улар қуйидагилардан иборат, яъни сўров; маълумотларни тўплаш; қиёсий тадқиқотлар учун намуналар тўплаш; назорат тартибида сотиб олиш; объектлар ва ҳужжатларни ўрганиш; кузатиш; шахсни аниқлаш; биноларни, иншоотларни, релефни ва транспорт воситаларини текшириш; почта жўнатмалари, телеграф ва бошқа хабарларни назорат қилиш; телефон суҳбатларини тинглаш; техник алоқа каналларидан маълумотларни олиб ташлаш; тезкор амалга ошириш; назорат етказиб бериш; тезкор эксперимент; компьютер маълумотларини олиш каби тадбирлардан иборат [1].

Мазкур тезкор-қидирув тадбирлари умумий бўлиб, нафақат кучли таъсир қилувчи дори воситаларининг ноқонуний айланишини аниқлаш ҳамда фош қилиш, балки жиноятчиликнинг барча турларига қарши курашда қўлланилади. Бироқ, фикримизча, кучли таъсир қилувчи дори воситаларининг ноқонуний айланишини аниқлаш ҳамда фош қилишда мазкур дори воситаларини назорат тартибида етказиб бериш ҳамда назорат тартибида сотиб олиш тезкор-қидирув тадбирлари бошқа тезкор-қидирув тадбирларига нисбатан самарали ҳисобланади. Шунингдек, тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш учун ҳужжатларни, материалларни, маълумотлар базаларини ахборот тизимларини ва ахборот ресурсларини

ўрганиш, шунингдек сўровномалар юбориш орқали жисмоний ва юридик шахслар, фактлар ва ҳолатлар ҳақида аҳамиятга эга бўлган ахборотни, шу жумладан банк сирини ташкил этувчи маълумотларни олишга қаратилган тадбирлар ҳам ижобий натижасини беради.

Бундай тадбирлар, биринчидан, жиноятларни барвақт олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлган жиноят содир этишга мойил шахслар тўғрисида маълумотлар базасидан фойдаланиш имконини берса, иккинчи томондан, жиноятчиликка қарши самарали курашда фойдаланиладиган маълумотлар базасини мунтазам тўлдириб бориш имкониятини юзага келтиради.

**II. Қозоғистон Республикаси.** Қозоғистон Республикасининг 1994 йил 15 сентябрда қабул қилинган “Оператив-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 11-моддасида тезкор-қидирув тадбирлари қайд қилинган бўлиб, улар жами 18 та тадбирлардан иборат: шахсни сўроқ қилиш; фуқаролар билан ошкора ва махфий муносабатлар ўрнатиш, улардан тезкор-қидирув фаолиятида фойдаланиш; киритиш; жинойий фаолиятни тақлид қилувчи хатти-ҳаракатлар моделидан фойдаланиш; яширин корхона ва ташкилотларни ташкил этиш; назорат остида етказиб бериш; шахсий ҳаёт дахлсизлигига, уй-жой, шахсий ва қонун билан қўриқланадиган оилавий сирларга таъсир қилмайдиган маълумотларни, шунингдек, шахсий омонат ва жамғармалар сирини, ёзишмаларни, телефон суҳбатларини, почта, телеграф ва бошқа маълумотларни олиш учун техник воситалардан фойдаланиш. бошқа хабарлар; сўровлар ўтказиш; намуналар олиш, оператив харидлар ўтказиш; хизмат-қидирув итларидан фойдаланиш; белгилар бўйича шахсни қидириш ва аниқлаш; ахборотни ноқонуний тарзда қўлга киритиш мосламаларини қидириш; ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг изларини аниқлаш, махфий қайд этиш ва олиб қўйиш, уларни дастлабки текшириш; жиноятга тайёрланаётган, содир этаётган ёки содир этган шахсни жинойий жавобгарликка тортиш ва уни қамокқа олиш; холислар иштирокида ушлаб турилган шахсларни шахсий кўриқдан ўтказиш, жинойий

фаолият билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган нарсалар ва ҳужжатларни олиб қўйиш, шунингдек турар-жой бинолари, иш жойлари ва бошқа жойларни тинтув қилиш, транспорт воситаларини тинтув қилиш; қуролланган жиноятчиларни қўлга олиш бўйича операцияларни ўтказиш; кузатув тадбирлари ҳисобланади [2].

Қозоғистон Республикасининг мазкур қонунида қайд қилинган тезкор-қидирув тадбирлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бошқа мамлакатларнинг ушбу йўналишдаги қонунларида белгиланган тезкор-қидирув тадбирларидан фарқланади. Айниқса, тезкор-қидирув тадбирлари сифатида жиноий фаолиятни тақлид қилувчи хатти-ҳаракатлар моделидан фойдаланиш; яширин корхона ва ташкилотларни ташкил этиш каби тезкор тадбирларнинг белгиланганлиги бир томондан тезкор тадбирларни амалга оширишга масъул бўлган ходимлар учун муайян даражада алоҳида ваколатлар берса, иккинчи томондан айнан жиноят оламида қўлланилаётган моделларни сунъий шакллантириш орқали жиноятларни аниқлаш ва фош қилишда қулай имкониятларни юзага келтиради.

Бизнингча, Қозоғистон Республикасининг жиноятларни аниқлаш ва фош қилишда қўлланиладиган мазкур тезкор тадбирларини илғор тажриба сифатида баҳолаш мумкин. Патентлиги юқори бўлган жиноятлар, хусусан кучли таъсир қилувчи дори воситаларининг ноқонуний айланишини аниқлаш ва фош этишда бундай тадбирларни қўллаш ўзининг ижобий натижасини беради. Бу орқали ушбу жиноятларга мойил шахсларни аниқлаш, улар билан келгусида муайян ҳамкорликларни ўрнатиш мумкин бўлади.

**III. Беларус Республикасининг «Оператив қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 11-моддасида оператив-қидирув тадбирлари қайд қилинган. Оператив-қидирув тадбирларини ўтказишга ваколатли органлар қуйидаги тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширадидлар, яъни фуқарони сўроқ қилиш; маълумотларни тўплаш; қиёсий тадқиқот учун намуналар йиғиш; назорат тартибида харид қилиш; объектлар ва ҳужжатларни**

ўрганиш; кузатиш; шахсни аниқлаш; биноларни, иншоотларни, ер участкалари ва транспорт воситаларини текшириш; овоз орқали аниқлаш ва назорат; почта, телеграф ва бошқа хабарларни назорат қилиш; телефон суҳбатларини тинглаш; техник алоқа каналларидан ахборотни олиб ташлаш; оператив киритиш; назорат остида етказиб бериш ҳамда оператив эксперимент [3].

Белорус Республикаси қонунчилигида белгиланган мазкур тезкор-қидирув тадбирлари жиноятларни аниқлаш ва уларни фош қилишда муҳим аҳамият касб этади. Мисол тариқасида оператив киритиш тезкор-қидирув тадбирини жиноий гуруҳларни, уларнинг ноқонуний фаолиятларини фош қилишда ижобий санаш мумкин. Бунда масъул ходим жиноий гуруҳ таркибига улардан бири сифатида киритилади ҳамда маълум вақт давомида гўё жиноятчи, яъни жиноий гуруҳ аъзоси сифатида тегишли вазифаларни бажаради ҳамда зарур маълумотларни тўплаб боради.

Бундай тезкор тадбирлар айниқса, латентлиги юқори бўлган, жумладан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар билан ёхуд кучли таъсир қилувчи дори воситаларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ бўлган жиноятларни аниқлаш ва фош қилишда самарали ҳисобланади. Мазкур тадбир орқали жиноий фаолиятнинг бошланиш нуқтасидан то унинг сўнгги манзилигача бўлган жараёнларни, унда иштирок этган шахсларни, жиноий схемаларни фош қилиш мумкин бўлади.

**IV. Хитой Халқ Республикаси.** Хитой Халқ Республикаси полиция тизими нисбатан мураккаб тузилмалардан иборат бўлиб, улар Жамоат хавфсизлиги полицияси, Криминал полиция, темир йўл полицияси, Йўл ҳаракатини назорат қилиш полицияси, Турма полицияси, Дарё ва денгиз полицияси, Ўрмонларни кўриқлаш полицияси, Божхона полицияси, Ҳаво полицияси каби тузилмалар фаолият юритади. Мазкур полициялар орасида айнан Криминал полицияга жиноятларни аниқлаш ва фош қилиш, тергов қилиш, жиноятларни олдини олиш ҳамда тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш ваколати берилган.

Маълумки, мавжуд ахборот технологиялари катта ҳажмдаги ахборотни техник алоқа каналлари орқали бир сония ичида ўқиш, қайта ишлаш ва узатиш имконини беради. Тезкор ходимнинг ўз хизмат вазибаларини бажаришдаги устунлигига тезкор ва самарали маълумотларни олиш ва таҳлил қилиш, замонавий компьютер технологиялари тақдим этадиган махсус техник имкониятлардан фойдаланиш орқали эришилади. Тезкор бўлинмалар фаолияти замонавий ахборот билан таъминлаш ишончли ва етарли ахборотни, ахборот алоқаларини аниқ ташкил этишни, шунингдек, интеграциялашган автоматлаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланишни талаб қилади. Бундай тизимларни яратиш ва жорий этиш учун тезкор-қидирув фаолиятини юқори технологиялар билан таъминлаш зарур.

Хитой Халқ Республикаси полиция тизимининг жиноятларни аниқлаш ва фош қилиш фаолиятининг илғор тажрибаларидан бири мамлакат бўйлаб замонавий, сўнгги русумдаги камералар, рақамли курилмаларнинг жойлаштирилганлиги, улар орқали мунтазам кузатувнинг амалга оширилиши, шубҳали ҳар қандай ҳагги-ҳаракат юзасидан тезкор чораларни кўриш имкониятининг йўлга қўйилганли ҳисобланади. Хитой полицияси жиноятчиларни қидириш борасида катта ҳажмдаги ишларни амалга оширади. Юзлаб шахсни аниқлаш пунктларида гумонланувчиларни сўроқ қилиш учун махсус дастурлар ўрнатилган, бундан ташқари, кўплаб пунктлар рақамли камералар билан жиҳозланган. Булар орқали шахсни аниқлаш, идентификация қилиш имкониятлари йўлга қўйилган [4].

Хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари сифатида қуйидаги муҳим жиҳатни ҳам таъкидлаб ўтиш зарур. Ривожланган мамлакатларда жиноятларни аниқлаш ва фош қилишда қўлланиладиган илғор тажрибалардан бири шундаки, тезкор ходимлар жиноятларни очиш, уларни аниқлаш, фош қилиш ҳамда жиноятларни олдини олишда ёрдам берадиган кўнгиллилар, махфий ходимларнинг молиялаштирилиши юқори даражада ташкил қилинган. Энг муҳими, бундай молиялаштиришнинг манбаи

уюшган жиноий гуруҳлар ва бошқа жиноятчилардан мусодара қилинган маблағлар, мол-мулклар ҳисобланади.

Масалан, Америка Қўшма Штатларида қўшимча молиявий ресурслар Адлия вазирлигининг Наркотикларга қарши кураш бошқармасига юқори маошли махфий ходимларни ушлаб туриш ва картеллар ва триадаларга чуқур кириб бориш имконини беради. Австрия, Буюк Британия, Франция, Италия, Испания ва бошқа давлатлар ҳам полиция кузатув хизматларини молиялаштиришнинг ушбу йўлидан боришмоқда [5].

**V. Қирғизистон Республикасининг «Оператив-қидирув фаолияти тўғрисида»**ги Қонунида қайд этилган оператив-қидирув тадбирлари ҳам ўзининг фарқли жиҳатларга эга эканлиги билан аҳамиятли ҳисобланади. Мазкур қонунда қуйидаги оператив-қидирув тадбирлари ўтказиш кўзда тутилган, яъни: фуқарони сўроқ қилиш; маълумотларни олиш ва тартибга келтириш; қиёсий тадқиқот учун намуналар йиғиш; синов тариқасида сотиб олиш; объектлар ва ҳужжатларни ўрганиш; назорат остида етказиб бериш (синов тарзида етказиб бериш); шахсни идентификация қилиш; биноларни, иншоотларни, ер участкалари ва транспорт воситаларини текшириш; почта, телеграф ва бошқа хабарларни назорат қилиш; телефон ва бошқа интеркомлар орқали амалга оширилган суҳбатларни тинглаш ва ёзиб олиш; техник алоқа каналларидан ахборотни олиб ташлаш; яширин корхона ва ташкилотларни ташкил этиш; оператив киритиш; оператив кузатув; оператив эксперимент; оператив аниқлаш; шахсий ҳаёт дахлсизлигига, уй-жой, шахсий ва қонун билан қўриқладиган оилавий сирларга таъсир қилмайдиган маълумотларни, шунингдек шахсий омонат ва жамғармалар сирини, ёзишмаларни, телефон суҳбатларини, почта, телеграф ва бошқа маълумотларни олиш учун техник воситалардан фойдаланиш; ахборотларни қонунга хилоф эгаллаш техник воситаларини қидириш; тармоқлар ва алоқа каналларида тезкор қидирув; суҳбатларни яширин тинглаш ва ёзиб олиш (видео, аудио ускуналар ва (ёки) махсус техник воситалардан фойдаланган



холда); абонентлар ва (ёки) абонент қурилмалари ўртасидаги уланишлар тўғрисида маълумот олиш.

Мазкур тезкор тадбирларнинг рўйхати фақат қонун билан ўзгартирилиши ёки тўлдирилиши мумкинлиги белгиланган. Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда ахборот тизимлари, видео ва аудио ёзувлар, кино ва суратга олиш, шунингдек, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказмайдиган бошқа техник воситалар қўлланилади [6].

Қирғизистон Республикасининг «Оператив-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунида қайд этилган оператив-қидирув тадбирлари Қозоғистон Республикаси, Россия Федерацияси, шунингдек республикамизнинг мазкур йўналишдаги қонунида назарда тутилган тезкор-қидирув тадбирларига нисбатан фарқ қилади. Қирғизистон Республикасида бундай тадбирлар кўпроқ қайд этилган, шу билан бирга ўхшаш тадбирлар ҳам мавжуд.

Тадқиқотимиз давомида ўрганилган кучли таъсир қилувчи дори воситаларини ноқонуний айланишини тезкор-қидирув йўллари билан аниқлаш ва фош этиш бўйича хорижий давлатларнинг тажрибаларидан **қуйидаги хулосаларга келинди:**

- жиноятчиликка қарши кураш, айниқса латентлиги юқори бўлган жиноятлар, хусусан кучли таъсир қилувчи дори воситаларини ноқонуний айланишини аниқлаш ва фош қилишда тезкор-қидирув тадбирлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга, айниқса ушбу тадбирларни ўтказишда кўнгиллиларни ёллаш, улардан фойдаланиш самарали ҳисобланади;

- ривожланган давлатларда жиноятчиликка қарши самарали қўлланиб келинаётган кўнгиллиларни жалб қилиш, уларнинг хизмати учун юқори даражада молиявий таъминот ажратиш, ушбу мақсадда уюшган жиноий гуруҳ ва бошқа жиноятчилардан олинган, мусодара қилинган мол-мулкларни жалб қилиш ўзининг ижобий натижасини беради;

- илғор хорижий тажриба шуни кўрсатадики, бугунги кунда тезкор-кидирув маълумотларини қайд этишнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш, бу зарур объектларни аниқлашни ва фош этишни таъминловчи бирламчи воситалардан ҳисобланади;

- ривожланган давлатлар тажрибасида ҳам кучли таъсир қилувчи дори воситаларини ноқонуний айланишини аниқлаш ва фош қилишда назорат тартибида сотиб олиш ҳамда етказиб бериш каби тезкор-кидирув тадбирлари қўлланилади ва ушбу самарали тадбир учун асосан кўнгиллилар жалб қилинади;

- жинойатларни очиш ҳамда фош қилишда ёрдам кўрсатадиган кўнгиллиларни тоифаларга ажратиш, шунингдек бундай тоифадаги шахсларнинг касби, тажрибаси, қобилияти каби хислатларини инобатга олган ҳолда гуруҳлаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Федеральный закон от 12.08.1995 г. № 144-ФЗ Об оперативно-розыскной деятельности <http://www.kremlin.ru/acts/bank/8220>
2. Закон Республики Казахстан от 15 сентября 1994 года № 154-ХІІІ Об оперативно-розыскной деятельности (с [изменениями и дополнениями](#) по состоянию на 12.09.2023 г.) [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=1003158](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=1003158)
3. Закон Республики Беларусь «Об оперативно-розыскной деятельности» 9 июля 1999 г. № 289-3 / [https://zakony-by.com/zakon\\_rb\\_ob\\_operativno-rozysknoj\\_deyatel\\_nosti.htm](https://zakony-by.com/zakon_rb_ob_operativno-rozysknoj_deyatel_nosti.htm)
4. Манцуров А.Ю. Особенности тактики деятельности народной полиции Китайской Народной Республики при несении службы / Вестник Московского университета МВД России № 11. 2009. Стр.
5. Сайфутдинов Т.И. Основы оперативно-розыскной деятельности: Учебник. Ч. 1. Бишкек: Изд-во КРСУ, 2015. Стр. 246. 278 Стр. <http://lib.krsu.edu.kg/uploads/files/public/6743.pdf>

6. Закон Кыргызской Республики Об оперативно-розыскной деятельности.  
16 октября 1998 года № 131. <https://cbd.minjust.gov.kg/138/edition/1288868/ru>